

ОМИНА ТОЖИБОЕВА

# Э Й Д Ъ С Т

(Т ўртликлар)



Андижон вилоят матбуот бошқармаси  
«Нашриёт» бўлими  
1998 йил.

**Андижон вилоят матбуот бошқармаси  
«Нашриёт» бўлими**

**Адабий-бадиий навр**


**Омина Тожибоева**

**Э Й Д Ў С Т**

**(Тўртликлар)**




Ушбу китобнинг дунё юзини кўришида, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган Андижон тумани ҳокими, муҳтарам Ҳасан Назарович Ҳакимовга чин дилдан миннатдорчилик билдираман.  
**МУАЛЛИФ.**



Омина Тожибоева — бир неча асарлар муаллифи. Қўйида сиз ўқиётган тўртликларда ҳаёт завқи ва табиат кўрки, жўралар сұхбати ва Она-Ватанга муҳаббат жўшқин таърифланган. Шоира разиллик, мунофиқлик, жоҳилликни қоралайди, самимийлик, садоқат ва маърифатни улуглайди. Энг муҳими, кишининг руҳий кечинмаларини моҳирлик билан очишга, уни халқ мақоли ва таъбирларидан усталик билан фойдаланиб, ранг баранг бадиий усусларда тасвирлашга интилади.

Ўйлаймизки, мазкур китоб мустақил Ватанимиз гуллаб яшнашига, кишиларимиз маънавиятини янада бойишига хизмат қиласади.



Осмондаги ойча умрим бўлсайди.  
Офтоб нури янглиғ гулим ўссайди.  
Бир умр эзгулик қасрин қурардим.  
Яхшилик ёмонлик йўлин тўссайди.

— · · ·

«Уни севардим», «Дил рози», «Суякдаги сир», «Қисмат-нинг тошлоқ йўллари» қиссалари ва «Олмос сир», «Бобур-нинг армони», «Қайтар дунё», «Хиёнат», «Муҳаббат таянчи» қаби ҳикоялар муаллифи Омина Тожибоева Андижоннинг Пахтаобод туманидан бўлиб уста дурадгор оиласида туғилган. 1970 йилдан буён мақола ва шеъри, ҳикоя ва қиссалари билан республика матбуотида кўзга ташланиб келаётган адиба. У бир неча бор вилоятимиз газетаси «Андижоннома»нинг «Фахрий ёрлиги» билан тақдирланган. «Баҳолашда ошкоралик» илмий мақоласи учун «Шарқ юлдузи» журналининг «Энг яхши асарлар» конкурси голиблигини қўлга киритган. «Уни севардим» асарн инцинировка қилинган бўлиб, бир неча йиллардан буёни Тошкенг радиоси орқали қўйилиб келинмоқда. У «Қелажак тонги» болалар радиоэшитиришида ҳам кичик ҳикоялари билан қатнашиб туради.

«Яласин муҳаббат»даги «Бемеҳр бўлманг...» очерки китобхонлар томонидан муносиб баҳоланган. 1977 йили «Эй фарзанд...» деб аталган тўртликлари нашр этилди. Адиба муғалималик соҳасида ҳам бошқаларга намунадир. У вилоят ва республика педагогик ўқишларида фахрли ўринларни эгаллаб, «Ҳалқ таълими фидойиси» ҳамда «Ўзбекистон ҳалқ таълими аълочиси» нишонлари билан тақдирланган.

25.2.88

# ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 7 ЙИЛЛИГИГА БАФИШЛАЙМАН

Сен Навоий каломисан, гўзал Андижон.  
Сен Бобурнинг армонисан, гўзал Андижон.  
Улуғ юртлар кўпдир аммо, мен қизинг учун.  
Жаннатнинг гул саломисан, гўзал Андижон.

\* \* \*

Шоҳ—давлат таянчи· тираги—Аллоҳ·  
Шоҳ—элнинг суянчи, юраги—Аллоҳ·  
Бошида эл·олам ташвиши· бу—Бахт·  
Шоҳ—диёнат ганжи· тилаги—Аллоҳ·

\* \* \*

Ватан, сенинг бир нозик гулингман·  
Ўчоғингда гулхан сўнсам кулингман·  
Бир умр кўзимга гардинг тўтиё·  
Барчин қизинг, содик Алп ўғлингман·

\* \* \*

Отам бор, онам бор—бошимда тожим.  
Оғзимга иликдек ёқадур ошим.  
Эй дўст, бу иккиси ёруғ дунёда.  
Мудом Каъбем эзур, меҳри-меҳробим.

\* \* \*

Ватан, дуринг бўлай дудоқларингда.  
Ватан, ёқут бўлай мунчоқларингда.  
Малҳам бўлай, бўлай эркингга қалқон,  
Ватан, дардинг олай чарчоқларингда.

\* \* \*

Менинг юртим суюқ—Ўзбекистоним,  
Келажаги буюқ—Ўзбекистоним.  
Оламаро кездим лек сенча йўқдир—  
Саҳийликда қуюқ — Ўзбекистоним.

\* \* \*



Сабоқсиз яшәмас донишмандар ҳам.  
Сабоқ олар экан, у—есил одам.  
Эй дүстим. сабоқсиз сир очилмагай.  
Сирларга тўладир бу гўзал олам.

\* \* \*

Осмондаги ойча умрим бўлсайди.  
Офтоб чури янглиғ гулим ўссайди.  
Бир умр эзгулик қасрин қуардим.  
Яхшилик ёмонлик йўлин тўссайди.

\* \* \*

Мэлу давлатинг йўқ бўлса ҳам қўгда.  
Энг буюк бойлиқ бор умр йўлида.  
Обод қилиб ўтгин инсонлар кўнглини,  
Дуо қилсин доим элинг кўнглида.

\* \* \*

Кулфат ёғилса гар бошимга, истангиз,  
Шодлигимда келиб қошимга, истангиз.  
Ғам даштида девона каби қолсам гар.  
Наззора қилингү бардошимга, истангиз.

\* \* \*

Тош отма кимгаки бўлса бегуноҳ,  
Сабабсиз уришмоқ—энг ёмон гуноҳ.  
Парвардигорим дер: дилозор банда—  
Бағри қон ўтгуси, кўнгли кир, гумроҳ.

\* \* \*

Касб—ҳунар эгалла, лек бўлма мағрур,  
Манманлик дилингни этмасин масрур.  
Эй дўстим, дунёда камтарга камол.  
Манманга завол бор, бўлмас у манзур.

\* \* \*

Доим фикр қилинг: кўзгу ҳар тараф,  
Хурмат қилар аҳмоқ либосга қараб.  
Ақллини эъзоз этар яхшилар,  
Яхшилар ҳурматин қозонмоқ шараф.

\* \* \*

Чумолига озор берса ким, қачон,  
Феълида қотиллик борлиги аён.  
Бир умр мәхрингни кўрса ҳам жоҳил,  
Пайт пойлаб ниш урап гўёки чаён.

\* \* \*

Яхшиликсиз гўзал кўринмас ҳеч зот,  
Яхшиликтан либос киймоғим—мурод.  
Саҳоватпешадур, энг гўзал инсон,  
Қардошлиқ риштасин айлайди бунёд.

\* \* \*

Ёлғончи дўстни ҳам душман билади.  
Бир кун дўстини кўр «сихга илади».  
Эй дўстим, бу дунё устуни ростлик.  
Ростгўйнинг юзидан нур ёғилади.

\* \* \*

Ўзининг айбини билмас· бандалар,  
Ўзгани назарга илмас· бандалар,  
Кўзгуга неча бор боқиб кўзлари.  
Ўзларин кимлигин кўрмас· бэндалар.

\* \* \*

Ҳасислар нонидан тишлама зинҳор·  
Кун келиб у тишинг синдириши бор.  
Билгилки, ҳасислар сира дўст бўлмас·  
Сирингни ошкора айловчи мурдор.

\* \* \*

Сабримни тополмай девонадурман.  
Ситамлардан кўкси минг порадурман.  
Жон каби ёру дўст топгайманми деб,  
Еру осмон аро оворадурман.

\* \* \*

Фойда деб дўст бўлса, у—ёвдан бадтар.  
Тотмагил бундай дўст тутса ҳам шакар.  
Кўнгли кир, қанчалик содик бўлмасин,  
Охир ичиргуси шакарла заҳар.

\* \* \*

Бу ёруғ дунёга йиғлаб туғилдим.  
Жафоларга бағрим тиғлаб туғилдим.  
Бир кам дунёлигин билмайин, дўстлар.  
Бекаму кўст бахтни излаб туғилдим.

\* \* \*

Оға-ини низосидан. Худо асрасин,  
Үт ҳам сув балосидан. Худо асрасин.  
Шукрона айтайлик. тинч ўтган кунга.  
Бемаҳал қазосидан. Худо асрасин.

\* \* \*

Дунёда олтиндан аълодир ҳунгр,  
Ўрган бирор ҳунар. илминг йўқ егар.  
Ҳунарсиз олтиннинг қадри бир тошдир.  
Олтиннинг қимматин оширап заргар.

\* \* \*

Кимки яхшиликни унутди. у хор.  
Бўлар яхшиларнинг сұҳбатига зор.  
Яхшиликтан либос кийиб бир умр.  
Яхшилар кўнглида мангу қолгим бор.

\* \* \*

Инсоннинг ҳақиқий бойлиги билим,  
Илм билан шоҳман булбулдири тилим.  
Оlam ҳазинасин тўлдириб турагар.  
Қанча бер ўзгага камаймас илм.

\* \* \*

Баъзи бирор үзин тенгин олмади.  
Керакли ишларга енгин солмади.  
Бу дунё тенгловчи тарозибондир.  
«Мен, мен» деганин ҳам «мени» қолмади.

\* \* \*

Ёмоннинг бир феъли ёмондир ёмон.  
Унда кўнгил кўру заифдир имон.  
Ҳикмат бор: итлигин қиласит доим.  
Ул сенинг қасрингга бўлса-да посбон.

\* \* \*

Ёнида ўтирма бадгўй одамни,  
Сўзини тинглама, бузар қадамни.  
Охири бошингга келтирап офат.  
Ая ундейлардан қимматли дамни.

\* \* \*

Кулфатдир зўр берсанг кучга билакка.  
Бадфеъл бўлса кимки етмас тилакка.  
Яхшилар кўнглини шод қил доимо.  
Ўрганма ўзганинг кўнглин тилмакка.

\* \* \*

Ёмонга яхшилик қилмоқ осондир,  
Аслида бу ишнинг ўзи ёмондир.  
Негаки бўрига қилсанг оқибат.  
Бир кун қўйларингни қирмоғи бордир.

\* \* \*

Яхшиликла ишни битказиб ўртани.  
Жанжалу ур-сурдан ким фойда кўрган,  
Дўзгўнинг ўтида куяр дилозор,  
Бундай кимса тилин илонлар сўрган.

\* \* \*

Яхшига яхшиман, ёмонга ёмон.  
Яхшилар замони бу озод замон,  
Яхшини алқассанг яхши кўпаяр,  
Яхшиләр-ла гўзал бу кўхна жаҳон.

\* \* \*

Қўлингдән келмаган юмушни қилма.  
Нафс-бало тўғрини эгрига бурма.  
Белга зиён эрур ортиқ чиракмоқ,  
Яъни қум устига иморат қурма.

\* \* \*

Нокас кўчасидан изинг буриб ўт,  
Дуч келса ногаҳон сўзинг буриб ўт.  
Эй дўстим, нигоҳинг асрагил ундан  
Жафолар тортурсан, юзинг буриб ўт.

\* \* \*

Сутга сув қўшганлар мақтаб сотади,  
Пул учун иймонин ямлаб сотади.  
Инсонлик орини, ғурур виждонин,  
Номус-у барини жамлаб сотади.

\* \* \*

Баъзилар ширич сўз этади мафтун,  
Хаётин кузатсанг дилинг бўлар хун.  
Мардона кўрсатмоқ бўлар ўзини·  
Феълини ўргансанг мурдору малъун.

\* \* \*

Ўзга учун шодлик, ё заҳри қотил,  
Сенинг вақтингни чоғ айловчи ҳазил.  
Адабинг гар олий, обрўйинг тўкар,  
Донолар айтгуси: «Ҳазил-таги зил».

\* \* \*

Бугуннимас, эрта кунни қўзлагин,  
Бўлмаса дардингга малҳам, бўзлагин.  
«Етти ўлчаб, бир кес»—донолар айтур,  
«Чақмаса» жавоби, сўзинг сўзлагин.

\* \* \*

Арғамчига қувват беролур қил,  
Бошга посбон эрур оғиздаги тил.  
Эй дўстим, сбрўйинг сақламоқ эрсанг,  
Тилингга эътибор бермоқликини бил.

\* \* \*

Шамдек эл кўнглига нур улашайин.  
Булутдек ёш тўкиб ёмғир қуяйин.  
Шодликка ғарқ қилиб дўсту ёр қалбин.  
Ғамига парвона бўлиб куяйин.

\* \* \*

Кексайди йўқ лекин фаҳму одоби.  
Қўлидан тушмади маю шароби.  
Буларни ибратга яратмиш Аллоҳ.  
Сонда бор, сифатда йўқдир саноғи.

\* \* \*

Тўғрини ҳеч қачон урмагай бало.  
Эгрини кутади ҳар ерда жафо.  
Ҳаётда сарвдек яшамоқ шараф.  
Сарв қуриса ҳам бўлғайдир асо.

\* \* \*

Бу кўҳна олам бир уйга ўхшашдир.  
Бағрида яхши-ю ёмон ўтмақдир.  
Икки дарвозаси абадий очиқ.  
Бунда туғилмоғу унда ўлмақдир.

\* \* \*

Яхшига ёмонлик қилмагувчи бўл.  
Хаммага омонлик йўллагувчи бўл.  
Эзгулик йўлида ранж-алам чеккан —  
Одамлар ишини қўллагувчи бўл.

\* \* \*

Ниятим: нокасга асир бўлмаслик.  
Беш кунлик амал-чун фақир бўлмаслик.  
Ўзгалар қўйнига илондек кириб.  
Бойлиknинг кетидан басир бўлмаслик.

\* \* \*

Мушкулдир гар ношуд бўлсанг. кўнглинг тор.  
Кенгаш қил танангга. ўйлагил зинҳор.  
Таъмали сўзларинг кимга ҳам керак.  
Ширин бўлса ҳамки забонинг минг бор.

\* \* \*

Парвардигорим дер: эй аҳли инсон.  
Ақлинг—подшоҳинг. диёнат. иймон.  
Тўғрилик. ҳақгўйлик гар фазилатинг.  
Сени тарк этмагай иймон ҳеч қачон.

\* \* \*

Гавҳернинг қадрини оширап тошлар  
Юзларга гўзаллик баҳш этар қошлар.  
Эй дўстим. ҳуснингдек бўлсин сўзинг ҳам.  
Тиллодан буюқдир ақлли бошлар.

\* \* \*

Гар нодон дўстингдир, ҳушёр бўл ўртоқ.  
Доно душман ҳиссиз дўстдан яхшироқ.  
Ибрат берур доно душманлиги ҳам,  
Нодон-чи, бўй чилпиб тургувчи ўроқ.

\* \* \*

Ўзгалар кўзида нор бўлганлар кўп.  
Бошлиққа эгилиб хор бўлганлар кўп.  
Тан бермайман гоҳо дунё ишига.  
Ҳалоллардан нонга зор бўлганлар кўп.

\* \* \*

Сўз кучи қотилни дордан қайтарар.  
Донони бемаврид зордан қайтарар.  
Ҳаётнинг мағзи сўз, ҳурмат қил, дўстим.  
Ёмғирдан сўнг учарар қордан қайтарар.

\* \* \*

Билимли ҳар нега қодирдир, қара.  
Илмли ҳар ишда одилдир. қара.  
Илмни қанчалар ўрганса инсон.  
Оlamaro доим фозилдир. қара.

\* \* \*

Жисмингда ёмон феъл бўлса ҳукмрон.  
Дилинг ғаш, юзларинг мисли заъфарон.  
Эй дўстим, ғабадий жаннат сенга ёт.  
Бўларсан, ҳар жойда сарсон-саргардон.

\* \* \*

Мол-дунё кўтармас қадру обрўни.  
Арпа ун босолмас буғдой ўрнини.  
Минг бор бәрқут тўқим ургил эшакка.  
Эшак у, кийса ҳам шохнинг тўнини.

\* \* \*

Дўстлигу садоқет—поёни йўқлик.  
Ҳикмату бор ҳикмат—поёни йўқлик.  
Ажаб яратамиз йўқдан бор қилиб.  
Мағзин чақ ҳақиқат—поёни йўқлик.

\* \* \*

Оз сўзла гаплөринг ёсли дур бўлсич.  
Бамисли беҳиштда насти ҳур бўлсин.  
«Дўзаҳи бўлғай, кўп ёғон сўз айтгач».  
Шундай лутф айлаки қасди нур бўлсин.

\* \* \*

Инсон умри гул кабидир унутма.  
Қебиҳ зурса кул кабидир унутма.  
Гер дўстингдир товғимачи ҳушёр бўл.  
Қадринг унга пул кабидир унутма.

\* \* \*

Нодонлар бойлигига керилиб яшар,  
Мўминләр меҳнатига берилиб яшәр.  
Қара, турфа рангю оламнинг иши,  
Оқил ҳақиқатга эгилиб яшар,

\* \* \*

Совуқ сўзла музлатма лабингни·  
Майдә гап-ла тузлатма таъбингни.  
Ширин сўзинг қолур ёдгор жаҳонда·  
Умр ўтар қақшатма асабингни.

\* \* \*

Кимки ҳәр даврада мўътебер эрур·  
Чунки ул суҳбати кўп таъсир берур.  
Назар сол. ҳикматга тўла ҳар сўзи·  
Ҳар лаҳза камолот дурларин терур.

\* \* \*

Шодликда ёнимда туринглар· дўстлар,  
Ғамимда ёнимда туринглар· дўстлар.  
Яхши-ёмон кунда қоним ичра қон—  
Жон берсам ёнимда туринглар· дўстлар.

\* \* \*

Яхши яшамоқ-чун тўғри бўл доим.  
Яхшидан четлайди қиёмат қойим.  
Бир умр ўткинчи—фоний жаҳонда.  
Ростлик-ла мард бўлиб яшаш муродим.

\* \* \*

Сув ичра ғарқ бўлиб яшар нилуфар.  
Сўз ичра яширин ақлинг, биродар.  
Ширин сўзинг ичра маънони кўзла.  
Доно сўз инсонни зийнатлар, безар.

\* \* \*

Сирингни сўзлама, бўлурсан пушмон,  
Сўзлаган сирларинг ўзингга душман.  
Мазлумга ҳеч қачон бермагил озор,  
Халқингга бир умр бўлиб ўт қалқон

\* \* \*

Кимки қўрқитмәққа азм қилибди·  
Унга бисёр душман насиб қилибди.  
Илоннинг ишидир заҳар солмоқлик·  
Қўрқувдан бу ишни касб қилибди.

\* \* \*

Нодон давлатидан хурсанд яшайди·  
Доно-чи, гоҳ муҳтоҷ мачглай қашлайди.  
У дунёси била кетадир номсиз·  
Бу илм нуридён абад яшайди.

\* \* \*

Яхшилар дилләрни айләр дәннә шод,  
Сахийлар эл-юртин айлайди обод.  
Бир қилиғи ортиқ бўлар ёмоннинг.  
Шул сабаб номи паст ўтар умрбод.

\* \* \*

Ўзгачи гапиргач сенга ёмонлаб,  
Унга-да ёмонлар сени ҳам боплаб.  
Бундайдан йироқ юр дўст бўлмагай ҳеч.  
Яхшилик қилсанг-да, айб топар қоплаб.

\* \* \*

Донолик белгиси эмасдир соқол.  
Чинни коса ўрнин бессолмас сепол.  
Эй дўстим, мол-дунё йиғолмас сахий.  
Бахил тўплар уни мисқоллаб-мисқол.

\* \* \*

Сен мени бир умр қийнагил, майли.  
Бардошим менсимай ўйнагин, майли.  
Дол эт қаддим, синдирик кўнглимни, аммо.  
Сени кўрар кўзим ўймагин, майли.

\* \* \*

Ақлсиз вақ-вақлар қаторидан қоч,  
Кўнгиллар эшигин ҳикмат билан оч.  
Нурга йўргаклансан борлиғинг, эй дўст.  
Ҳар сўзингда ҳикмат уруғларин соч.

\* \* \*

Уэр сўраган билан кам бўлмас инсон,  
Уэр сўрамоқни ор билар нодон,  
Дўстим, эзгу ишда олийҳиммат бўл.  
Бир умр чекмайсан ранжу ғам, нолон

\* \* \*

Баҳор, юрт эшигин очиб келадир.  
Оламга гул-лола сочиб келадир.  
Бардош бериб Ёзу Кузнинг зуғмиға.  
Ажаб, қишдан баҳра олиб келадир.

\* \* \*

Ёмон сўз мисоли қирор, ҳам чўғдир,  
Музлатар, куйдирар ўчмоғи йўқдир.  
Ҳамон мерос бўлиб келур бир ҳикмат:  
«Оғиздан чиққан сўз отилган ўқдир».

\* \* \*

Дон-дунни яратған деҳқон эмасму?!  
Мева-боғ яратған боғбон эмасму?!  
Аслида иккисин номин улуғлаб.  
Зафарга буркаган она ермасму?!

\* \* \*

Қара, турли томон кетган кўчалар,  
Қай манзил, қай макон етган кўчалар.  
Тўрфа хил инсонлар барчани бир-бир.  
Ўз уфқин бағрига элтган кўчалар.

\* \* \*

Ақллилар ҳасад қилмас ҳеч қачон,  
Непок нокаслардан толиққан жаҳон.  
Үйлагил бир умр қанд, асал едир.  
Феълида илоннинг таъбидир ниҳон.

\* \* \*

Шохлаган дараҳтдир бу аҳли жаҳон,  
Синдирма шохини кечирмас замон.  
Парваришила яхшиликнинг илдизин.  
Шунда ёв тоғини айларсан талқон.

\* \* \*

Саҳоватли одамнинг қадри кўп бўлар,  
Адолатли юртнинг марди кўп бўлар.  
Эй дўстим, саҳий бўл, гадо бўлсанг ҳам,  
Бахилнинг кўнгли кир, дарди кўп бўлар.

\* \* \*

Заҳматга дош берсанг, Худо деганинг,  
Чин дўстга бош берсанг, Худо деганинг.  
Ўзгалар ҳақига хиёнат қилмай.  
Фарибга ош берсанг Худо деганинг.

\* \* \*

Ёмон эркак йўлдошин тез қаритар,  
Яхшилари малҳам, ғамдан аритар.  
Эй дўстим, бу дунё қайтар дунёдир,  
Ёмонни ҳам бир кун рангин сарғайтар.

\* \* \*

Нодон бўлса ёринг, жигаринг қондир,  
Дилинг ўксик, гул юзинг заъфарондир.  
Эй дўстим, аёлинг меҳрингга қонсин,  
Жоҳил мазлумасин ранги сомондир.

\* \* \*

Билимсиз одамда иймон суст бўлар,  
Билимли ишидан уйга қут тўлар.  
Эй дўстим, билимдон этагидан тут.  
Билимли инсонда иймон бут бўлар.

\* \* \*

Саратон тафтига бера олгин дош,  
Қаҳратон қаҳрига ура олгин бош.  
Эй дўстим, ҳаётга енгил қарама,  
Бир умр қонингда порласин, Қуёш.

\* \* \*

Ҳалокат келтирад ҳасад· баҳиллик·  
Саҳоват баҳш этар дўстлик аҳиллик.  
Оқ кўнгил одамлар дарё мисоли,  
Инсонни улуғлар жўмард· саҳийлик.

\* \* \*

Булбулга ўхшатмиш ёрни вафода·  
Дерлар: ошиқлигин куйлар навода.  
Севмайман булбулдай ёрни ҳар он ул·  
Ўзга гул қошида кайфу сафода.

\* \* \*

Тирикликда не иш қилмоғинг бордир·  
Ёмон ишинг тилда айтмоғинг ордир.  
Виждан деган ҳакам олдида бир кун,  
Барига жавобни бермоғинг бордир.

\* \* \*

Гар илинж йўлида дўст бўлсанг агар,  
Разолат ботқоғин кечибсан жигар.  
Билгилки, бундайлар ошино бўлса,  
Қўйнингда илону йўлингда хатар.

\* \* \*

Қўрқмагил, ишларинг битмай қолса гар.  
Ёринг ташлаб кетса қўрқмагил агар.  
Эй дўстим, ҳар нега чора бор, лек қўрқ—  
Қўлингдан тутмаса дўстларинг магар.

\* \* \*

Яхши дўст мисоли кўзгу кабидир.  
Айбингни юзингга айтар ҳабибдир.  
Нодони товусдек товланар, эзар.  
Гўёки дардингни билмас табибдир.

\* \* \*

Оlamга ҳукмдор бўлдик дея биз.  
Ҳаттоқи табиат чўкди дея тиз.  
Жар солдик бир вақтлар ўзни Худо деб,  
Асли нодонликни кўз-кўз қилибмиз.

\* \* \*

Фийбатлардан узоқ кетмоқлик—мардлик.  
Ўз нафсини тийиб юрмоқлик—мардлик.  
Киши нуқсонига қулмас яхшилар.  
Йиқилганга тиргак бўлмоқлик—мардлик.

\* \* \*

Зарар кўрмоқликни зиён биларсан.  
Емоққа ҳолва ю қиём тиларсан.  
Ёмон сўздан тийгил, тилинг ширин эт,  
Ёмон сўз—ёй ўқи, армон қиласан.

\* \* \*

Тишнинг кучига сен эътибор айла,  
Тош қаттиқ бўлса да қиладур майдар.  
Бирлашган енгадур тошдек ёвни ҳам.  
Ноаҳил орзуга етганими қайдада?!

\* \* \*

Ёмон ҳулқин ўйлаб, уялса элдан.  
Кимки койиб турса ўзини дилдан.  
Бошқалардан кўпам койиш эшиитмас,  
Худо асрар уни ёмғири дўлдач.

\* \* \*

Ҳикматлар боғидир бу жаҳон асли,  
Азалий меросдир бу инсон насли.  
Агар сен яшасанг пок иймон билан,  
Худо бандам дегай, Сен бунга ҳақли.

\* \* \*

Инсонни тоблайди олис сафарлар.  
Кимки тиришқоқдир—қучар зафарлар.  
Меҳнат машәкқатин тотмәганларни.  
Хаёт сўқмоғида кутар хатарлар.

\* \* \*

Саҳийлар хушгапу ҳушчехра бўлғай.  
Элгеро овоза, гулчехра бўлғай,  
Саҳийлар ишидан тошқалб мисли мум.  
Чунки сахий—офтоб, хурчехра бўлғай.

\* \* \*

Баҳиллар дунёни бузади, эй дўст,  
Нокаслар ўзини тузайди, эй дўст.  
Бормагил сен асло нокас қошига.  
У шаксиз таъбингни бузади, эй дўст.

\* \* \*

Кўп маънони дегил қисқа сўзингда.  
Қалбингни кўролсин дўстинг кўзингда.  
Беҳуда кўп сўзлар—лақма. Панд есанг.  
Ўзгадан қидирма, айб ўзингда.

\* \* \*

Адоватдан бўлур урушнинг боши,  
Чекмоқден ёрилур тоғларнинг тоши.  
Эй дўстим, душманинг гер битта бўлса.  
Заҳарга айланур минг дўстнинг оши.

\* \* \*

Ётнинг гапи ёз ёмғири ёнимдан ўтди,  
Ўзнинг гапи қиши ёмғири, жонимдан ўтди.  
Эй дўстларим, ер ҳам хўрлар эр хўрлагага.  
Ёрнинг гапи, дўл ёмғири, қонимдан ўтди.

\* \* \*

Дононинг сўзлари мисоли гавҳар,  
Доно сўз инсонга берар зебу зер.  
Эй дўстим, сўз сендан қолгуси ёдгор,  
Яхши сўз қолдир, у умрингни безар.

\* \* \*

Айбингни кўролсанг, яхши бўларди,  
Ақлингла юролсанг, яхши бўларди.  
Эй дўстим, иқорорлик мардлик белгиси.  
Аҳдингда туролсанг, яхши бўларди.

\* \* \*

Бошимга бало ёғилди тилимдан,  
Бағримга жафо ёғилди тилимдан.  
Осонлашди борки мушкулотларим,  
Дилимга зиё ёғилди, тилимдан.

\* \* \*

Майни кўп ичмангиз, ақлингиз боғлар.  
Кўзларни кўр этиб, бағрингиз доғлар.  
Боғбон майхўр бўлса, унинг боғида,  
Булбуллар ўрнини эгаллар зоғлар .

\* \* \*

Ўйлама, ёмон чин яхшилик қилмас.  
Яхши ҳам, унутма, бағрингни тилмас.  
Дўст-душман фарқини ажратгил, дўстим,  
Зоро, тана бошқа, дардингни билмас.

\* \* \*

Алп қоматингни эгадир ёлғон.  
Кўзга ёш дилингни этадир гирён.  
Билмаски, у алдар ўзин бир умр,  
Ёлғончи яшаган умр ҳам ёлғон.

\* \* \*

Дўстлар ишқида ёнар мардона кўнгил.  
Ёр ишқида девона жононга кўнгил.  
Гар кўнгилга иллат ошиён қурса.  
Жигар қонига тўлар паймона кўнгил.

\* \* \*

Ҳунарли ҳеч кимга ялинмай яшар,  
Бисоти бисёру кәмимай яшар.  
Эй дўстим, ҳунари битмас бойлиги.  
Хорлик юзин кўрмай, қаримай яшар.

\* \* \*

Манманлик зеифлатар паҳлавонни ҳам,  
Такаббурлик паст этар мағрур бошни ҳам.  
Гер камол истарсан. дўстлик занжирин.  
Маҳкамроқ боғлагин камтарла ҳардам,

\* \* \*

Ҳаётинг безаги одамлар бўлсин.  
Ҳар онинг ғам билмай шодликка тўлсин,  
«Яшадим» демоқ-чун энг сўнгги нафас.  
Яхши ном қолдирмоқ муродинг бўлсин.

\* \* \*

Инсон тилағига бўйсунмас ҳаёт.  
Хоҳласа гул тутар, хоҳласа новвот.  
Хоҳишу ҳаёли эзгу, эй дўстим.  
Эрта кун ташвиши дилдадир бот-бот.

\* \* \*

Эй ўғлим, сенга панд-насиҳатим бу:  
Дўстинг нодон бўлса энг ёмони—шу.  
Лоф урса дўстликдан тезроқ қоч ундан,  
Айниган бодадан яхши—лойқа сув.

\* \* \*

Ҳузурбахш оловга ўхшар яхши сўз·  
Энг ширин паловга ўхшар яхши сўз·  
Дилга мадор бериб, равшан этгуси,  
Ёмон йўлга ғовга ўхшар—яхши сўз.

\* \* \*

Бир умр қолсам-да очу яланғоч·  
Нокасга ҳеч қачон бўлмайин муҳтож.  
Бошқалар молига кўнгил қўйгандан·  
Гадонинг поклиги бўлсин бошга тож.

\* \* \*

Энг мараз одамнинг ишидир—туҳмат·  
Заҳарли илоннинг ўзидир—туҳмат.  
Яхшилар умрига зомин ҳам қотил,  
Энг қора балонинг кўзидир—туҳмат.

\* \* \*

Ҳасаднинг учқуни илашган замон,  
Борлиғинг куяди· топмайсан омон.  
Ҳасад ҳанжар каби тиғли ҳам хунхор,  
Охир шаънинг булғар, умрингга зиён.

\* \* \*

Үғлим, олма оғзингга бода деган заҳарни·  
Ёрқин ҳаётга интил· тилингга қўй асални.  
Эгмагил номардга бош· доим яхшига ёндош,  
«Яхшидан ном қолгуси» унутма бу масални.

\* \* \*

Яхшилик қилмоқ асли мард кишига одатдур·  
Шаънига раҳмат, қалби, дил учун у роҳатдур.  
Душманни дўст этади· жаҳонга зебу зийнат.  
Яхшиликнинг қадрига етмаганлар оғатдур.

\* \* \*

Нур товоғи доим илкингда бўлсин бир умр.  
Ёр, билим сабоғи ишқингда бўлсин бир умр.  
Гар халқингнинг дуоси минг хилу минг ранг эрур.  
Ватан, ота·она дилингда бўлсин бир умр.

\* \* \*

Инсон молдунёга харидор, бешак,  
Ақл илму фенга мағизу безак  
Ҳаёт кўзгусидир билимдон, доно,  
Билимингла бергил ақлга кўмак.

\* \* \*

Бехт—ёрнинг қимматли совғаси эмас;  
Ёки баҳт—бойликнинг ғояси эмас.  
Яхшиликка тўлса дил хазиненг—баҳт.  
Баҳт—бу гўзалликнинг мояси эмас.

\* \* \* , \*

Кулиб боқар ҳамон дўстим душманга,  
Дилим ғамга тўлди, ўхшер ҳуфтонга.  
Яхши-ёмонлигин синамай, шошиб.  
Дўст тутма, мен каби қолиб пушмонга.

\* \* \*

Кибрдан от минсанг номинг чиқмагай,  
Гар одиллик қанотинг чангинг чиқмагай.  
Бўлса қонда ўчлик шону шухратга,  
Эзгулик ишларинг асло битмагай.

\* \* \*

Яхши гул ҳуснimas, ҳидидан маълум.  
Яхши йил ўтажак қишидан маълум.  
Яхшилик кўнгилга ёруғлик солар.  
Яхшилиги киши ишидан маълум.

\* \* \*

Ҳаста жонлар учун бир асо керак,  
Асомас ҳаётга дил расо керак.  
Эътиқод иймондур дил расо этган.  
Дил ярага меҳру ҳам вафо керак.

\* \* \*

Одобсиз, гар улуғ бўлса ҳам ёши,  
Гар уйнинг пойида йўқ бўлса тоши.  
Иккиси тез нураг, чунки пайдевор—  
Бўш бўлса узоққа етмас бардоши.

\* \* \*

Нафс йўли хор қилур ҳам баҳти қаро,  
Пул дардидан юзинг мисли қаҳрабо.  
Ўтдан чўққа урар, эрк берсанг унга.  
Нафс—иблис каби хавфли бир бало.

\* \* \*

Ўрганимаса илмни инсон дили шод бўлмас,  
Ўртамаса юраги илмга сирдош бўлмас.  
Илмсизни осмонга кўтариб ким мадҳ этса,  
Дейман: мадхиябозлар бу йўлда дилдош бўлмас.

\* \* \*

Шарафли ишлар қил, дуо қилсин эл,  
Саодат келтирап ишга боғла бел.  
Бироннинг ошини ҳалол е дерлар:  
«Бойлигинг ҳалолдир, ювиб кетмас сел».

\* \* \*

Шакар бойланса-да тилинг гар аччиқ,  
Ширин лабинг аччиқ сўзинг ҳам аччиқ.  
Расо сўз соҳибин умри боқийдур,  
Норасо сўз—заҳер, юракка санчиқ.

\* \* \*

Илмли дарёдир, илмсиз бир қўл.  
Илмли икки қўл, илмсиз бир қўл.  
Аҳли донишларга бир умр қулмен.  
Чунки ул зотларда илмдир мўл-мўл.

\* \* \*

Кўрингач ҳар гиёҳ ўт-ўлан бари,  
Инсон назаридан эмас ташқари.  
Қувватим донолар сўзидан, шодмен.  
Ақлим ҳикматларга юз бурган сари.

\* \* \*

Гуллар баҳор бағрин бўстон айлагай,  
Қирлар баҳор меҳрин достон айлагай.  
Ҳанда отур чақмоқ бу сирни кўргач.  
Булутни йиғлашга фармон айлагай.

\* \* \*

Ақлинг улғаяди онгда, кўқдамас.  
Ишқ сурори яшер қонда, кўқдамас.  
Кимдир қидирагмиш баҳтини кўқдан.  
Баҳт юлдузи яшар жонда, кўқдамас.

\* \* \*

Хеч қачон ёвни сен сирдош этмагин,  
Ёвга ёмон қилиқ, сирфош этмагин.  
Сиринг билгач душман севинчга тўлар.  
Инсонлик илмидан узоқ кетмагин.

\* \* \*

Ким ножӯя ишни қилмас хўрланмас.  
Илондек силлиғу турли нурланмас.  
Беозор феълликлар ёқар ҳаммага,  
Чунки дил ранжитмас, пинҳон турланмас.

\* \* \*

Дунёда икки от қолар умрбод.  
Яхшидан яхши от, ёмондан-чи, дод!  
Одамга охири тўшакдир тупроқ.  
Мудом яхши ишлар айлагил кўпроқ.

\* \* \*

Дўст уйин боғ этмоқ яхшининг иши.  
Дилларни шод этмоқ яхшининг иши.  
Қисматимиз ажал етса ўлмоқлик,  
Ўтганни ёд этмоқ яхшининг иши.

\* \* \*

Донолар ажални эслаб яшайди.  
Аҳмоқлар ўзини безаб яшайди.  
Кам кўстсиз ўтган ким ёруғ оламдан.  
Ҳақ инсон Аллоҳни ҳислаб яшайди.

\* \* \*

Мутелик занжири боғлолмас қўлим,  
Душманим осмонда турса ҳам, дўстим.  
Ҳеч қачон йўлбарснинг ўрнин босолмас.  
Тулки кийган билан йўлбарснинг пўстин.

\* \* \*

Ёнар шох дарахтдан айрилган замон·  
Яхшилик кўрибди ким яхши, ҳемон.  
Яхшилик ўзгадин қайтган азалдан·  
Яхшилик ярақлар, бир гавҳарсимон.

\* \* \*

Ёмонлика ёмонлик, зулмга зулм—  
Кўргизмас мардлар ҳеч, ёт бундай удум.  
Номардлар оёғин остин кўзлайди,  
Мўрига ўхшайди чиқарар тутун.

\* \* \*

Ўйлабманким: дўстим дилозор эрмас,  
Ҳамиятли марду дил эзэр эрмас.  
—Юз қатла жон фидо сенга десам, дер:  
—Фил пашшага асло эътибор бермас.

\* \* \*

Тўрғай ҳаётини этмагил ҳавас.  
Бургутга чанг солиб, бўлма хору ҳас.  
Дунёни ўлчашга етмас қаричинг.  
Қадаминг ўйлаб бос, керилмагил, бас.

\* \* \*

Чумоли меҳнатин билмагин эртак.  
Үриклар ичида шарбатли қанддак  
Кўр толнинг бўйида пўкнинг иси бор.  
Бу—ҳаёт қонуни, ибрат ол андак.

\* \* \*

Қаллобнинг болига учмагил зинхор.  
Тилак қил: «бахилга этма ҳеч дүчэр»,  
Қаллоб манзилидир азоб. ғам, ундан—  
Заҳри аъло эрур сахийнинг минг бор.

\* \* \*

Сув ёқасида юзин очмиш сабзалар,  
Теваракка хушбўй сочмиш сабзалар.  
Кўнгилларга шодлик нурин баҳш этмиш.  
Ким офтобдан зиё ичмиш сабзалар.

\* \* \*

Фақир водийсидан кетиб бора иен.  
Фано водийсига етиб бораман,  
Ўз сўзим ахтариб ҳақ водийсидан,  
Баҳт сўзин элимга элтиб бораман.

\* \* \*

Дунёнинг сирини топа олмадим.

Дунёнинг сиридан қоча олмадим.

Хаётнинг Туни бор. Куни бор, бу—сир.

Шул сирдан ҳеч бир сўз оча олмадим.

\* \* \*

Доно сұхбатидан күнгилда зар зар,

Нодон нафида ҳам бисёрдир зарар.

Зийрак бўл, бул ҳислат ярим давлатдир.

Эл дэйм зийракни доно деб қарап.

\* \* \*

Ошиққа дўзаҳу жаннат баробар,

Бу йўлда арzonу қиммат баробар.

Дерлар, ишқ йўлида Хотам ҳам қолур.—

Бу оламдек анда қиммат, баробар.

\* \* \* \*

Уришга чоғлайди ақлсиз киши.

Ев бағрин ёғлайди ақлсиз киши.

Ёнган олов ичра қолиб ўзи ҳәм,

Бағрини доғлайди ақлсиз киши.

\* \* \*

Янч, дүстим, ёмонлик шарласин сезсанг,

Мудом элинг бахтин, тинчин күзласанг.

Касофат, келтирап, дилинг ғаш қилар.

Ёмон номин тилга олсанг, сүзласанг.

\* \* \*

Дүст ишига белинг боғла ҳар қачон.

Аблаҳ дүст макрига учма сен пинҳон.

Мәқсад гули насиб этмас бир умр—

Дүст қўлин чўзмаса кўмакка ишон.

\* \* \*

Очкүзлик—оқибат кўрлик демакдир,  
Бахиллик—ёлғизлик хўрлик демакдир.  
Ситам, бу хислатлар кимгаки ошно.  
Номардлик—вақтингча зўрлик демакдир.

\* \* \*

Қиймати тенг хори-хасга, кимнидир.  
Обрў бир пул, номи пастда, кимнидир.  
Бундайларнинг қадри кул топмас камол,  
Билиб қўйки, касби таъмагирлиkdir.

\* \* \*

Қўрқмайман. танамни гар чақса илон,  
Гар зәҳри қотилдир умримга зиён.  
Қўрқаман. тузалмас дардга мубтало—  
Бўлмай деб, дўст чақса илондай ёмон.

\* \* \*

Күнгүвват борида мөҳнат қилиб қол.  
Имкони борича нақдин йигиб ол.  
Кексайгач, майдалаб сарф этмоқ бўлсанг.  
Ёшликда ҳалол мол—дарлат йиғиб қол.

\* \* \*

Беҳуда ситамкор этмагил ўзни,  
Аллоҳ ортиқ бермас сенга ұлушни.  
Пешоначгга нима битса—шу ризқинг,  
Олтин ололмассен, ёзса күмушни.

\* \* \*

Асли сув бошидаҳ нопок бўлса гар.  
Пок бўлмайсан юз бор ювансенг агар.  
Каъба тавобин қил· минг бор· лек Аллоҳ.  
Авф этмас, дилозорлик касбинг магар.

\* \* \*

Ғайратли бўл доим, мард бўл, ҳимматли.  
Яхши одомларга чин оқибатли.  
Ғайрат билан, меҳнат қилган ҳар одам,  
Қалби пок, ҳам сахий, қўл баракотли.

★ ★ ★

Эй юртим, умрбод сенга мафтунман.  
Беғерингда улғайдим, сендан мамнунман.  
Сени дилдан севмоқ иймондан—Ватан,  
Гар хиёнат этсам, юзиз, малъунман.

★ ★ ★

Сен шундай яшаки, душманинг осон,  
Сени деёлмасин, ҳеч қачон ёмон.  
Ёндошганким баҳтин топсин тоабад.  
Эъзозлаб қўлида кўтарсин замон.

★ ★ ★

**АНДИЖОН ВИЛОЯТ МАТБУОТ БОШҚАРМАСИ  
«НАШРИЁТ» БЎЛИМИ**

**Адабий-бадиий нашр.**

**Омина Тожибоева**

**ЭЙ ДЎСТ**

**(Тўртликлар)**

**Муҳаррир—Усмонжон ШУКУРОВ.**

**Рассом—Умиджон ВАЛИХОНОВ.**

**Техник муҳаррир—Қутбиддин ТОЖИБОЕВ.**

**Мусаххих—Комилжон МАМАТОВ,**

Босмахонага 2. 08. 98 йилда берилди. Босишга  
10. 08. 98 йилда рухсат этилди. Бичими 84x60. 1/16.  
Ҳажми 3.75 босма тобоқ. Буюртма № 470. Юқори  
босма усулда босилди. Тиражи 1000 нусха.

**Баҳоси келишилган нархда.**

---

**Андижон вилоят матбуот бошқармасининг  
Избоскан туман босмахонаси. Пойтуғ шаҳри:  
И. Тўхтабоев кўчаси, 12-йи.**